



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 1 март, № 42 (6477)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭЗГУЛИК ВА ЭЪТИБОР ИФОДАСИ

Мамлакатимиз бўйлаб “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида навбатдаги саломатлик ҳафталиги ўтказилмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда Президентимиз раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди. Миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳамда узок умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир чоратadbирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга изчил татбиқ этиб келинмоқда.



да ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ушбу та-
моилнинг жорий қилиниши тўғрисида
беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг-
та чақалоққа нисбатан оналар ўлими
23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар
ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар
ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу
кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлаш-
ган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик
ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

(Давоми 2-бетда).

2016 йил — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтган йилларга “Оила йили”, “Соғлом авлод йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили”, “Соғлом бола йили” деб ном берилгани ҳамда шу муносабат билан Давлат дастурлари қабул қилингани замирида ҳам халқимиз саломатлигига қаратилган юксак гамхўрлик мужассам.

Айтиш жоизки, тиббиёт тизимида рўй бераётган кенг қамровли ислохотлар натижасида аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Оналик ва болаликни муҳофаза этишнинг ўзига хос миллий модели шакллантирилди. Давлатимиз раҳбарининг “2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсимлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори фарзандларимизнинг жисмоний ва маънавий камолотини таъминлаш, аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётган. Пировардида “Соғлом она — соғлом бола” концепцияси халқаро миқёс-

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Фуқаролик жамияти институтлари — демократик ислохотларнинг фаол иштирокчиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан фуқаролик жамияти институтларининг қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги иштирокига бағишланган конференция ўтказилди.

Парламент аъзолари, кўмита экспертлари, давлат бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда фуқаролик жамияти институтларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иш-

тироқи, бунда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги масалалари кўриб чиқилди ҳамда ушбу соҳада тўпланган миллий ва халқаро тажриба кенг таҳлил қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамия-

ти институтларини ривожлантириш ҳамда уларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳасида фаол иштирок этишини таъминлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратилгани таъкидланди. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Истеъмолчиларнинг ҳу-

қуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва бошқа бир қатор қонунлар бу борада муҳим ўрин тутмоқда.

Конференцияда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси фуқаролик жамияти институтларини қонун ижодкорлиги жараёнига жалб қилиш учун кенг имкон бергани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда).

8 март — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Юртимизда оқила, ораста, ишбилармон ва тадбиркор аёллар ҳар бир соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бинобарин, Президентимиз раҳнамолигида жамиятда хотин-қизларнинг мавқеи ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, умуман, ҳаётнинг барча жабҳасини модернизация қилишдаги иштирокини кенгайтириш учун муносиб шарт-шароит яратилган.

Оқила, фидойи, ташаббускор

Қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар ҳамда махсус дастурларда хотин-қизлар, айниқса, қишлоқ аёлларига муносиб турмуш шароитини яратишга, опа-сингилларимизнинг рўзгор ишини енгиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бундай гамхўрлик уларни руҳлантирибгина қолмай, ташаббус кўрсатишга, жумладан, қандалатчилик, “Гўзаллик салонлари”, тикувчилик ва маиший хизматнинг бошқа йўналишларини ташкил қилишга ундамоқда.

Аёлларнинг хунармандчилик соҳасидаги интилишлари, айниқса, миллий каштачиликнинг “ироқи”, “попоз”, “йўрма”, “тўлдирма” турларидаги махсулотлари, шунингдек, табиий бўёқларда тўқиладиган “араби”, “гажари”, “жунхурс” каби гиламлари нафақат юртимиз аҳолиси, балки чет эллик меҳмонларга ҳам манзур бўляпти. Масалан, Шаҳрисабз туманидаги Юлдуз Мамадиёрова, Гулнора Чориева, Саодат Низомова, Чирокчи туманидан Салтанат Қўлдошева ўз қўллари билан тайёрлаётган буюмлари орқали ўзбекона урф-одат,

қадриятларимиз ва аъналаримизни бутун дунёга намойиш қилмоқда. Шуниси муҳимки, улар талаб ва эҳтиёжни ўрганиб, махсулотларини замонавий технологиялар ёрдамида юқори сифат даражасида тайёрлашга интиляяпти.

Хунармандчилик миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Бир пайтлар устахунармандлар ўзи яратган буюмларни сотиш, намойиш этишда турли тўсиқларга учраган бўлса, бугун ҳар бир туман ва шаҳарда марказлар, бозорлар ҳамда савдо мажмуаларида улар учун махсус савдо расталари ажратилган.

Қашқадарё вилоятида ҳам ушбу соҳа жадал ривожланиб, хунармандлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Халқимизнинг бетакрор хунармандчилик аъналарини маҳоратли ва узукко ёшларимиз томонидан муносиб давом эттириляпти. Шу мақсадда жойларда “Уста — шогирд” мактаблари ташкил этилиб, ёшлар кўлаб хунармандчиликни ўрганаётгани фикримиз далилидир.

(Давоми 3-бетда).

ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БОҒИ

“Яхши йил — кўламидан маълум”, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, шундай. Айниқса, бу йилги баҳор файзли бошланди. Табиатдаги уйғониш, янгиланиш инсон руҳиятига ҳам кўнмоқда: хут кўеши заминни қиздириб, деҳқонларни далаларга чорлаган бўлса, боғбонлар қўлига ток қайичини ҳар доимгидан-да эрта олди. Умуман, юртимиз бўйлаб кенг кўламдан ободончилик ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари бошлаб юборилди.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА 25 ТУПДАН КЎЧАТ

Шу кунларда республикамизнинг қай бир гўшасига борманг, қизгин иш устидан чиқасиз. Юртдошларимиз ташаббус кўрсатиб, маҳалла, тураржойлар худудлари, ариқ ва кўчалар бўйларига мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар ўтказишаётир. Ариқ-зовурлар тозаланиб, табаррук қадам-жолар, қабристонлар тартибга келтирилмоқда. Бу жараёнга барча муносиб ҳисса қўшишга интиляётгани, айниқса, қувонарлидир.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни

ўтказиш тўғрисида”ги қароридан ҳам деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, кут-баракка, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ҳамда қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Аслида, кўчат экиб, боғ яратиш — халқимизга хос эзгу фазилат. Миллий удумларимизга кўра, оилада ўғил бола туғилса, унга атаб ниҳол экиляди. Фарзанд вояга етгунча, ёш кўчатлар улкан дарахтлар-

га айланган. Жорий — Соғлом она ва бола йилида ушбу эзгу аънана янада кенг кўлам касб этмоқда.

Гап шундаки, истиқлол тўғрисидаги миллимизнинг қон-қонига сингиб кетган ушбу бебаҳо қадрият қайта тикланиб, янгича маъно-мазмун билан бойиммоқда. Натижада аҳоли тураржойлари ва маҳалла-кўй яшилликка бурканиб, янги боғ-роғларга асос солинаяпти. Тобора кенг қамров касб этаётган бунёдкорлик ҳамда ободончилик юмушлари ҳашар орқали ба-жариляётгани, диққатга сазовордир.

Бу йил энг улуг, энг азиз

байрамимиз — мустақиллигимизнинг 25 йиллигини нишонлаймиш. Ушбу кутлуг айёмни ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида юқори натижалар билан қарши олиш аънанага айланган. Шу маънода, ҳар биримиз истиқлолимизнинг 25 йиллигига атаб, 25 тупдан кўчат экайлик. Бу озод ва обод Ватанимизнинг кўрғига кўрк, тароватига тароват кўшсин, ҳар манзилу маконимиз боғу бўстонга айлансин.

Маҳаллалар, шаҳар ва қишлоқларимизда манзарали ҳамда мевали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар экиш тадбирлари айнаи шу кунларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки кўеши ҳамал буржига оғаётган ҳозирги пайтда ўтказилган ниҳол бехато тўтиб кетади. Халқимиз “Ҳамал кирди, амал кирди” дейишининг боиси ҳам шунда.

Дов-дарахтлар, умуман, ўсимлик дунёси гўзаллик,

ризқ-насиба манбаи, айниқса, “яшил дорихона” сифатида гоётада аҳамиятлади. Шунинг учун кейинги йилларда ниҳолларни экишда ландшафт дизайнини яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Яъни ҳар бир туп дарахт ёки бута теваврак-атрофдаги бино ва иншоотлар кўринишига уйғунлашиб, яхлит манзара касб этапти. Энг асосийси, у атмосфера хавосини тозалаш, шовқин-суронни камайитиришда айнаи мударо бўляпти.

Бугун қадалаётган ниҳоллар, ҳадемай кўкка бўй чўзади. Улар ҳамжихатлик, аҳиллик ва яхшиликнинг ифодаси ўларок, ҳар биримизга битмас-туганмас завуқ шавқ бағишляйди. Албатта, бу эзгулик боғлари халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг юксак намунаси, жадал ривожланаётган мустақил Ватанимиз ободлиги тими соли сифатида доимо гуркираб, яшнаб туришига ишончимиз комил.

С. ИБОДУЛЛАЕВ.

Оқила, фидойи, ташаббускор

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни пайтда худудимизда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қарийб 20 фоизи аёл тадбиркорлар ташаббуси билан тузилган.

Бу кўрсаткич ҳар йили ўсиб бораётгани кишини кувонтиради, албатта. Чунинчи, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Қашқадарё вилояти бўлими томонидан ишбилармон опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлашни, моддий ва маънавий рағбатлантиришмоқда.

Ўтган йили уюшмамиз саъй-ҳаракати билан жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, маҳаллалар ҳамкорлигида ўқув-семинарлар ташкил қилинди. Унда қандолатчилик, тикувчилик, элита пардаларини моделлаштириш, қурқоқчилик, миллий каштачилик, бизнес асослари, компьютер йўналишларида жами 1900 нафар хотин-қизга касб-хунар

сирлари ўргатилди, 700 нафарига тадбиркорликка оид маслаҳатлар берилди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда миллий хунармандчилик йўналиши бўйича "Ўзбекистон дурдоналари", "Хунарим — фахрим", "Қўли гулдир ўзбек аёлини" каби танловларни ўтказиш яхши аънамага айланди. Бундан мақсад аёлларимизни тадбиркорликка янада кенгроқ жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантиришдир.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз хотин-қизларига кўрсатаётган алоҳида ҳурмат ва эътибори самарасидир. Бундай рағбатчиликка жавобан ҳар жабҳада фаол ва ташаббускор бўлиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшганимиз лозим, деб ўйлаймиз.

Ойниса ОЧИЛОВА,
«Тадбиркор аёл»
Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси
Қашқадарё вилояти бўлими раиси.

Пластик карточка: Фойдаланувчиларга қўшимча қулайликлар

Республика Марказий банки ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси банклараро чакана тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатишда "сўм" пластик карточкалари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк ҳамда нобанк кредит ташкилотлари амал қилиши лозим бўлган тарифларнинг янги режасини ишлаб чиқди.

ЯНГИЛИК

Бугундан кучга кирадиган янги тариф режасига кўра, банклар томонидан жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари ҳисобварағида қолдиқ маблағларга ҳисобланадиган фоизлар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси (9 фоиз)дан кам бўлмаган миқдорда белги-ланди. Ваҳолонки, ҳозир-гача пластик карточкадаги қолдиқ маблағлар тижорат банклари томонидан Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик 1 фоизи миқдоридан капиталлаштирилган эди.

Эндиликда жисмоний шахслар пластик карточкаларининг (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва оилавий карточкалар, шу жумладан, корпоратив карточкалар) фойдаланиш муддати тугаганда қайта эмиссия қилишда (алмаштиришда) банк хизмати ҳақи ундирилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Шунингдек, банк эмитентидан қатъи назар, жисмоний шахснинг пластик карточкасидаги маблағлар бошқа бир жисмоний шахс пластик карточкасига ўтказилганда ёки қирим қилинганда банк хизмати ҳақи олинмайди. Оддий қилиб айтганда, банк мижози бошқа банк мижози бўлган шахс пластик карточкасига исталган ҳудудда пул ўтказиш имконига эга. Шу пайтгача

бундай пул ўтказиш усули ҳам техник сабабларга кўра амалга оширилмас эди.

Бундан ташқари, янги тарифлар режасида тадбиркорлик субъектларига ҳам қатор қулайликлар яратилган. Масалан, улар учун корпоратив пластик карточка эмиссия қилинганда банк хизмати ҳақи Марказий банк расмий курси бўйича 5 еврогача пасайтирилди. Илгари бу миқдор мижоз билан келишув асосида 20 еврогача этиб белгиланган эди.

Янги тарифларда яна бир ўзгариш юридик шахс ва яққа тартибдаги тадбиркорнинг шикастланган ёки йўқотилган корпоратив карточкалари билан боғлиқдир. Аниқроғи, эндиликда яроқсиз ва йўқолган корпоратив карточкалар янгисига алмаштириб берилаётганда банк 10 еврогача (илгари 25 еврогача) хизмат ҳақи ундиради.

Мутахассисларнинг айтишича, банклар томонидан пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қулайликларни кенгайтириш борасидаги изланишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади.

Д. УЛУҒМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

2015/2016 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари ҳамда буюртмалар асосида иш жойларига тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.

2015/2016 ўқув йилида Ўзбекистон давлат консерваториясини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот

Т/р	коди	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи	Шу жумладан										Худудлар бўйича									
			Битирувчиларнинг умумий сони	Жами грант	Жами тўлов-шартнома	Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Қашқадарё вилояти	Тошкент шаҳри			
ЎЗДК бўйича жами битирувчилар сони			369	112	257	5	21	20	7	7	17	29	11	14	50	46	18	18	102			
БАКАЛАВРИАТ			341	104	237	4	21	20	7	5	17	26	11	14	46	46	18	18	87			
1.	5111100	Мусликий таълим	20	4	16		1	3				1	2	2	3	1			5			
2.	5150701	Чолғу ижрочилиги: фортепиано (орган)	22	7	15	1	1	3	1			1	1	4	3	2			6			
3.	5150702	Чолғу ижрочилиги: торли чолғулар	19	6	13		2						1	1	1				12			
4.	5150703	Чолғу ижрочилиги: ёғоч-дамли чолғулар	9	4	5				1			1	1	3	1				2			
5.	5150704	Чолғу ижрочилиги: мис-дамли ва зарблӣ чолғулар	8	3	5		1					2	1	3	1				8			
6.	5150705	Чолғу ижрочилиги: мизробли чолғулар	35	9	26		2		1	2	4	4	1	1	7	2	2	5	4			
7.	5150706	Чолғу ижрочилиги: камонли ўзбек халқ чолғулари	18	5	13		1		1			2	1	2	1	2			8			
8.	5150707	Чолғу ижрочилиги: дамли ва урма халқ чолғулари	16	3	13		2	1				2	1	3	1	1	1	1	3			
9.	5150708	Чолғу ижрочилиги: анъанавий чолғу ижрочилиги	30	6	24		2	2	2	2	1	1	2	1	12	3	1	1	4			
10.	5150709	Чолғу ижрочилиги: эстрада чолғулари	23	5	18		2	2	1			1	1	5	2	2			6			
11.	5150601	Вокал санъати: академик (вокал) хонандалик	17	7	10	2	2					3	3	2	2	1	4		4			
12.	5150602	Вокал санъати: анъанавий хонандалик	28	12	16		2	5	1		1	3		3	6	1	4		2			
13.	5150603	Вокал санъати: эстрада хонандалиги	25	10	15		2	1		1		3		1	4	1	1		10			
14.	5150500	Академик хор дирижёрлиги	19	5	14		2					2	2	2	2	1			5			
15.	5150200	Муסיқашунослик	14	5	9		2					2		1	4	3	1		1			
16.	5150100	Бастакорлик	14	5	9	1						2		5	3	1			3			
17.	5151400	Техноген санъат: (муסיқий овоз режиссёрлиги)	24	8	16			2				1		2	2	2			12			
МАГИСТРАТУРА			28	8	20	1	0	0	0	2	0	3	0	0	4	0	0	0	15			
1.	5A150202	Муסיқашунослик	5	1	4									1					4			
2.	5A150501	Дирижёрлик (турлари бўйича) Дирижёрлик: опера-симфония дирижёрлиги Дирижёрлик: академик хор дирижёрлиги	2	1	1		0	0	0					1					1			
3.	5A150701	Фортепиано (орган)	3	1	2									1					3			
4.	5A150101	Бастакорлик	2	1	1									1					1			
5.	5A150601	Вокал санъати (турлари бўйича) Вокал санъати: академик (вокал) хонандалик Вокал санъати: анъанавий хонандалик	4	2	2		1	1	0			2		1					1			
6.	5A150702	Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича) Чолғу ижрочилиги: эстрада чолғулари Чолғу ижрочилиги: торли чолғулар Чолғу ижрочилиги: халқ чолғу асбоблари Чолғу ижрочилиги: пуфлама ва зарблӣ чолғулар Чолғу ижрочилиги: анъанавий чолғу ижрочилиги	12	2	10	1	1	0	1		1	1	1	1	1				5			

Маълумот учун телефон: (0-371) 244-85-85. Факс: (0-371) 244-53-20. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.
Электрон почта: uzkonservatory@mail.uz Web-sayt: www.scu.uz

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда чет эл фирма ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шунингдек, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов предмети

ХИЗМАТ КўРСАТИШ

- Компьютер, периферия ва ташкилий техникаларга техник хизмат кўрсатиш.
- АРМ «Наряд» ва АРМ «Бухгалтерия» махсус дастурий таъминотларини кузатиш (доимий ишлашини таъминлаш).

ЕТКАЗИБ БЕРИШ

- Файл-сервер учун лицензияли антивирус дастурий таъминоти.

Танлов шартлари бўйича маълумот олиш учун куйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.
Телефонлар: (+99871) 231-49-73, 252-30-36, 255-78-24. Факс: (+99871) 281-43-73, 281-43-74. E-mail: umts@mvd.uz

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

куйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади.

Профессор лавозимига: Халқ чолғуларида ижрочилик — 1, Махсус фортепиано — 1, Муסיқа назарияси — 1, Муסיқий педагогика — 1.

Доцент лавозимига: Анъанавий ижрочилик — 1.

Катта ўқитувчи лавозимига: Анъанавий ижрочилик — 1, Эстрада чолғу ижрочилиги — 1, Халқ чолғуларида ижрочилик — 1, Муסיқий овоз режиссёрлиги ва информатика — 1, Ижтимоий-гуманитар фанлар — 1.

Ўқитувчи лавозимига: Муסיқа назарияси — 1, Халқ чолғуларида ижрочилик — 1.

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
- ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
- охирги уч ўқув йилида мутахассислик бўйича малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхалари.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддат ичида
Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлимида қабул қилинади.
Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқича-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 4 апрель кuni соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда:

- Тошкент вилояти Оққўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Ўрта Чирчиқ тумани судининг 2011 йил 14 июлдаги 1214-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида жойлашган, умумий майдони 231,4 кв.м.дан иборат бўлган ошхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 46 791 300 сўм.

- Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2015 йил 6 октябрдаги 1-5503/15-сонли ижро варақасига асосан кўзгатилган 26800-01/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Г9-«А» мавзеси, 11-уй, 32-хонадонда жойлашган, умумий майдони 58,60 кв.м.дан иборат бўлган кўчмас мулк.

Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.

- Тошкент вилояти Оққўрғон тумани СИБ томонидан 2015 йил 30 ноябрдаги 11-05/4467-03-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, «Эркинлик» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 346,84 кв.м.дан иборат бўлган гузар биноси.

Бошланғич баҳоси — 55 000 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар кuni (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кuni қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион қолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кuni мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани,
Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258.

Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2016 йил 14 март кuni соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқича-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар тақдоран куйилмоқда:

- Самарқанд шаҳар СИБ томонидан ФИБ Самарқанд шаҳар судининг 2015 йил 12 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 16-уй, 18-хонадонда жойлашган уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 158 190 570 сўм.

Талабгорлар диққатига!
Ушбу кўчмас мулк аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2016 йил 29 март кuni соат 11.00 да ўтказилади.

2016 йил 29 март кuni соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда:

- Самарқанд тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2016 йил 12 январдаги 14-1503/21351-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд тумани, «Пулмуғоб» МФЙда жойлашган:

- Умумий майдони 461,95 кв.м. бўлган умумий овқатланиш шохобчаси биноси.

Бошланғич баҳоси — 312 250 000 сўм.

- Умумий майдони 787,82 кв.м. бўлган омборхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.

II. Пастдарғом тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2015 йил 19 октябрдаги 14-1508/14962-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пастдарғом тумани, «Дўрмонтепа» ҚФЙ, «Синчи» МФЙда жойлашган, умумий майдони 7000,48 кв.м., фойдаланиш майдони 925,52 кв.м. бўлган товуқхона биноси.

Бошланғич баҳоси — 300 000 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Самарқанд шаҳри,
Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават.
Телефон: (0-366) 234-06-38.

Хизматлар лицензияланган.



Истиклол барча соҳалар қатори миллий адабиётимиз, муаззам шеъримизни ривожда ҳам янги бир юксалишни бошлаб берди. Буни нафақат ижод аҳли, балки адабиёт мухлислари ҳам юрак-юракдан ҳис этади. Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг ижодий тақдири бунинг ёрқин мисолидир. Ватан ва миллат, меҳр ва муҳаббат туйғуларини ўзига хос бадиий услубда, баланд пардаларда куйлаган шоира Президентимиз Ислон Каримов таъбири билан айтганда, маънавий жасорат тимсолига, вафо ва садоқат рамзига айланган.

ВАФО ВА САДОҚАТ ТАРАННУМИ

Шоира ижодининг мавзу кўлами анчайин кенг, образ ва тимсоллар олами беҳад бой. Унинг мероси, таҳлили, айниқса, тонг тимсолига айрича меҳр кўйганини, орзу-умидлари ва нафис туйғуларини, изтиробларини ҳамда армонларини ушбу тимсол замирига маҳорат билан жойлаш билганини кўрсатади. "Муҳаббат тонги кулганда", "Биз тонгин севган-чун", "Саҳар мен билан...", "Менинг тонгим", "Тонгда сўз кудугин тубига чўкиб...", "Тонг", "О, эрта, энг гўзал афсонам"... Сарлавҳаларинг ўзиёқ шоиранинг тонгини қанчалар қадрлагани исботидир. Унингча, тонг — тинчлик ва ёруғлик рамзи. Бу тинчлик наинки оламга, кўнгилларга ҳам сафо бахш этади.

Биз тонгин севган-чун, саф кўкмизма
Ўфқдан ўтолмас зулмат дудлари — дея образли фикр юритади шоира.

Шеърларида изҳор этилганидек, тун ўтиб, чорбоғдан саҳарги туман кўтарилар экан, шоира чироқ сўндириб, отаётган тонгни кутди. Ерқин тонгга етишар экан, тундан омон чиққан жонини нур сийлаганидан қувонди. Шомнинг устидан ял-ял кулган хар саҳар унга халқининг юрагига сафар қилмоқ имконини берди.

СОҒИНЧ

Ижодкорнинг маҳорати шундаки, бошқалар ҳам бир хил кузатиш имконига эга бўлган ҳодисада у ўзгаларнинг ҳаёлига келмайдиган қонуниятларни пайкай олади. Ўзи ҳис этган туйғунини ўзгаларнинг шурига келиши қийин бўлган оҳорли шаклда ифода қилади. Табиат ва жамият тонгиди ажиб мутаносибликини тажассум этган мана бу мисралар ушбу фикрни тасдиқлайди:

Менинг тонгим қалбимда отар,

Ўйдан, кўздан ҳайдаб ўлқуну.

Ўйдан, кўздан зулматнинг ҳайдалиши, қалбларда тонг отиши — барча мутафаккирлар шуни орзу қилиб келмаганими?! Қалбда тонг отган одам — мудроқ фикрлардан, гафлат уйқусидан халос бўлган, одамга кўнгил кўзи билан қарай оладиган, фақат зоҳирни эмас, моҳиятини ҳам англашга қурби етадиган одам. Бундай кишиларнинг кўпайиши — жамиятнинг бахти. Ана шундай теран ҳақиқатларни муҳассас этгани жиҳатидан ҳам юқоридаги шеър алоҳида эътиборга молик.

Ўтаётган вақтни, умрни қадрлаш тўғрисида жуда кўп асарлар битилган. Бу ҳақда ёзмаган шоиру адибни топиш амримаҳол. Ана

шу кўхна мавзуда қалам тебратар экан, Зулфияхоним тамомила янгича йўлдан борди. Ўзига бўлган бирорта ҳам ижодкорни такрорламайди, мавзуга ўзгача ракурсда ёндашади, ўзгача микёсда фикр юритади.

Тундан юлган тонгим:
Гоҳ бир шеър,
Гоҳ ўқилган бир китоб бўлур,
Гоҳ умрнинг ўтган бехосил
Саҳфасига бўм-бўш боб бўлур.

Тундан юлинган тонг... бир шеър ёхуд бир китоб мутлоасига бағишланиши — вақтинг исроф қилинмаганидан далolat. Агар тонг умрнинг бехосил ўтган саҳифасига бўм-бўш боб бўлса-чи? Бундан Яратганинг ўзи асрасин. Шоира ана шундай теран, таъсирчан, оҳорли фикрларни шеърга солади. Ўқувчининг руҳида, қалбда, шуурида оғоҳлик ҳиссини уйғотади.

Тонгинг зидди — тун. Бир шеърда шоира тунни севмай кўйганини айтиди.

Чунки у бир сирни туйган: ҳар тун умридан бир кунни узиб кетади. Модомики, ҳушёр тортмас, тома-тома кўл бўлгани сингари умрни буткул маҳв этиши ҳеч гап эмас. Унинг тонгни севгани сабаби шунда.

Дарҳақиқат, бешафқат вақт синовидан ўтиб, халқимизнинг қалб мулкига айланган Зулфияхоним асарларини мутлоа қилар экан, ўқувчи ўзини бамисоли нурафшон тонг қаршида тургандек ҳис этади. Кўнгиллар унинг нафис сеҳридан, гўзал латофатидан ўзгача файз туйғусини туйди. Бу тонг барча элпарвар ижодкорлар сингари Зулфияхоним ҳам интиқиб кутган, суюб қаршилаган, жонбахш эпкинларидан кўнгли тоғ қадар юксалган Истиклол тонгидир. Бу тонг насими шоира қалбидан чўқур юл олди, кўнглига ҳаловат берди. Зеро, у назмга ихтиёр, эркинлик ато этди, миллий шеърят равнақига замин яратди.

Хуррият, келдингиз, наҳотки, келдингиз!!

Пишхона соғиндим, пишхона кўтдим.

Ёмғирга бағриш тутган саҳродек

Сенинг насимингга қалбимни тутдим.

Ишонч билан айтиш мумкинки, шоира ижоди бундан кейин ҳам истиклол ва истиқбол тонги янгли вафо ва садоқат, меҳр ва муҳаббат нурлари билан кўнгилларга ёруғлик бағишлайверади.

Нурбой ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети профессори.

Янгилиш ва яшариш рамзи

Халқимизнинг эзгу қадриятларини, орзу ва интилишларини ўзида мужассам этган, бебаҳо маданий меросимиз — Наврўзи олам истиқлол туйғули мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барчанинг орзиқиб кутадиган байрамига айланди.

НАВРЎ НАФАСИ

Президентимизнинг 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридан шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, энг ардоқли байрамимиз бўлиши Наврўзни юксак савияда нишонлашга уруғ берилган. Бинобарин, мазкур айём жамиятимизда меҳр-оқибат, бирдамлик, инсонийлик, барикенглик ва бунёдкорлик муҳитини янада мустаҳкамлайди. Айниқса, навқирон авлоднинг миллий аъналаримизга садоқат, умминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишида унинг ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётган.

Наврўзда инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғунлашуви алоҳида ўринга эга. Борлиқ уйғониб, пиру бадавлат кексаларимиз эрга яши ниятлар ила уруғ қадашган. Ушбу ажойиб байрамга ёлпасига тайёрларлик кўрилади. Шаҳару кишлоқлар тозалани,

ободончилик ишларини янада янади. Хар тараф байрамона безатилади. Тантаналар файзли дастурхон атрофида, кўча ва хиёбонларда, далаларда сайил тарзида кенг нишонланади. Беморлар, ёлғиз кишилар ҳолидан хабар олинади. Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди.

Хар бир шодиёнинг ўзига хос шукуҳи бўлганидек, Наврўзда сумалак тайёрлаш қадимий қадриятларимиздан биридир. Бунда, аввало, хонадонларда шукроналик ва эзгу ниятлар билан бугдой уруғи ўстирилади. У унинг чиққач, сумалак пишириш ҳаракатлари бошлаб юборилади. Ёши улуг кишиларимиз барчани муборакбод этиб, "кўлаб Наврўзларга етказсин", дея ният қилишади.

Сумалак сайилларида йигит ва қизлар аргимчоқ уадиладар. Бу бахт олиб келади, деб ҳисоблашган. Халқ бахшилари дoston-

лардан парчаларни, термаларни ижро қилиб, дилларни хушнуд этадилар. Эл орасида машҳур бўлган кўлаб кўшиқлар, шўх яллалар, айтишув лапарлари ижро этилади. Уларда ватанпарварлик, юртга садоқат, ёвузликка қарши мардонавор кураш, вафодорлик туйғулари куйланади.

Наврўз айёмида сумалак билан бирга дастурхонга палов, кўксомса, кўк солиб пиширилган чучвара, қатлама, гиёҳлардан салат ва шунга ўхшаш кўлаб

бахорий неъматлар тортлади.

Шунингдек, арқон тортиш, тош кўтариш каби беллашувлар ўтказилади. Болалар алоҳида тўланиб, "кўз бойлагич", "ошиқ", "оқ терак", "чиллак" каби уйинлар билан машғул бўлишади. Республикаимизнинг баъзи вилоятларида ям-яшил адирларда "кўпкари" (улоқ) мусобақаси аж олади.

Наврўз келиши билан

мучал йили ҳам бошланади. Мучал йили 21 мартда бошланиб, келгуси йилнинг 20 мартда тугайди. Маълумки, мучал тўйи Наврўз байрамига ҳамоҳанг тарзда ўтказилган. Мазкур тадбир, асосан, фарзанднинг илк мучал ўшида, яъни 12 ёшга тўлганида нишонланган. Бу ёшга тўлган фарзандга кўркам либослар кийдирилади. Болага узоқ умр тилаб, пиру бадавлат отахон-онахонларимиздан дуо олишган. Ушбу маросимнинг энг диққатга сазовор томони шундаки, у фарзанднинг ўсмирлик палласига етганини, ҳаётининг муҳим босқичларидан бири бошланаётганини ифодалаган.

Наврўзимиз ана шундай хурсандчиликларга, орзу-ниятларга бой байрам. Нуруний отахону онахонларимиз шу боис халқимизнинг фаровонлиги ва саломатлиги, юртимизнинг тинчлиги, ободлиги, деҳқончилигимизнинг барақаси, ҳосилимизнинг мўл-кўнчилигини тилаб дуо қилганларида кўнгилимиз эзгу умидларга тўлиб-тошади.

Зоҳид ЖУМАНИЕВОВ,
Урганч давлат университети доценти,
филология факультетининг профессори.



Спорт

Пойтахтимизда Бутунжаҳон бокс серияси (WSB) ҳамда ярим профессионал боксчилар (APB) йўналишлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Йирик турнир якунига етди

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз бокс федерацияси ҳамда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси (AIBA) ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда Ўзбекистон, Пуэрто-Рико, Испания, Руминия, Хорватия, Хиндистон, Мўғлистон, Қозғоқистоннинг энг кучли чарм кўлдоқ усталари рингга ўқтарилди.

WSB йўналишида Ўзбекистоннинг "Uzbek Tigers" жамоаси Пуэрто-Риконинг "Puerto Rico Hurricanes" (5:0)

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида пауэрлифтинг бўйича бўлиб ўтган Жаҳон кубоги беллашуварларида паралимпиячиларимиз совриндорлар қаторидан жой олди.

Жаҳон кубогидаги муваффақият

40 давлатдан икки юзга яқин спортчи қатнашган мусобақада, жумладан, Нуритдин Давлатов 194 килограмм, Рўза Кўзиёва эса 92 килограмм тошни ўзига бўйсундириб, бронза медаллар билан тақдирланди.

С. МАХСУМОВ тайёрлади.

Зухриддин Маҳкамов ҳамда Улуғбек Мубинов рақибларини мағлубиятга учратиб, рейтинг очколарига эга бўлди.

— Ўзбекистонда барча соҳа қатори спорт ҳам жадал равнақ топиб бораётганига гувоҳ бўлдим, — дейди мусобақа супервайзери Муҳаммад Мустаҳсоний (Мароқаш). — Бу ерда нуфузли турнирларни уюштириш учун етарли шaroит ҳамда қулай инфраструктура мавжуд. Ўз навбатида, Ўзбекистон ташкилотчилигида катта тажрибага эга экани кўнчилига яши маълум. Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси WSB ва APB йўналишларидаги мазкур йирик турнирлар мезбонлиги учун Тошкент шаҳрини танлагани ҳам айни мана шу омиллар билан бўлган. Бу қарор нақадар тўғри бўлганини биз юқори савияда ташкил этилган мана шу бокс байрамида тўла ишонч ҳосил қилдик.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ХОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2016 ЙИЛ 20 ФЕВРАЛДАН 26 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 22 февралдаги 40-мх-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий қўрсатмаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2016 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352-4 (2016 йил 29 февралдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 28 январдаги 2, 2016-03-сон «Алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2765 (2016 йил 29 февралдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 16 январдаги 1/2-сон «Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1859-3 (2016 йил 29 февралдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 январдаги 220/3-сон «Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2016 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2443-1 (2016 йил 29 февралдан кучга кирди).

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаб уюшмаси қўмитаси Фалсафа ва маънавий асослари кафедраси доценти Дилшад Исматуллаева онаси **Шаҳрбону НАЗАРОВАНИ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия иҳоз этади.

ЭКОЛОГИК ТОЗА, ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТДАН ФОЙДАЛИ

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни экологик талаблар асосида янгилаш, атроф-муҳит, инсон саломатлиги учун хавфсиз технологияларни жорий қилиш жараёни жадал тус олмақда. Бундай лойиҳалар иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган автомобил-созлик саноатида ҳам амалга ошириляпти. Сабаби эса оддий: ресурслар чекланган, биосферани асраш энг долзарб вазифага айланган.

МУҚОБИЛ ЁНИЛГИ

Шу маънода, мамлакатимизда мазкур соҳада модернизациялаш тадбирлари изчил олиб бориляпти туйғули халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган — қулай, хавфсиз, ишончли ва тежамкор автомобиллар ишлаб чиқариляпти.

Шу билан бирга, мавжуд транспорт воситаларини муқобил ёнилги билан ишлайдиган илғор технологиялар асосида қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги "Автомобилларни газ билан тўлдирish компрессор станциялари ва автомобилларга газ қуйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суолтирилган ва

сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бунда муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда автомобилларни газ ёнилгисидан ишлашга мослаштириш жараёни жадал давом эттирилмоқда. Бу юртимизда янги соҳага асос солингани, бунинг эвазига 2 мингдан ортиқ тадбиркор шахсий бизнесига, бири-биридан кўркам шохобчалар, газбаллон ўрнатадиган ус-тахоналарга эга бўлгани, тизимда 15 миң нафардан зиёд кишининг бандлиги таъминлангани шарофатидир, албатта.

Тахлилларга қараганда, автомобилларни газ билан тўлдирish компрессор шохобчаларини қуриш ҳамда автотранспорт воситаларини сиқилган табиий

газга ўтказишнинг прогност кўрсаткичлари ортиги билан бажарилган. Бошқача айтганда, ҳозирги кунга қадар 750 миңдан ортиқ автотранспорт воситаси сиқилган табиий газга, 360 миңдан зиёди эса суолтирилган углеводород газига ишлашга мослаштирилди. Ўз навбатида, автомобилларни газ билан тўлдирish иқтисослаштирилган 450 тадан ортиқ компрессор шохобчалари (АТТҚШ), салкам 1000 та суолтирилган газ қуйиш шохобчаси (АСҚШ) хизмат кўрсатиб келмоқда.

Мамлакатимизда автомобилларнинг босқичма-босқич муқобил ёнилгига ўтказиш жараёни бежиз эмас, албатта. Бу ёнилги мустақиллиги, экологик хавфсизлиги таъминлашга, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш орқали аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб бориляётган кенг қўламли ишларнинг узвий давомидир. Газ ёрдамида ҳаракатланадиган транспорт воситалари аънавий ёнилгида юриадиганларга нисбатан атмосферага CO₂ моддасини 5 баробар кам чиқаради. Қолаверса, унинг иқти-

содий тарафдан тежамли эканлигини айтмайсизми?!

Бироқ шуни қайд этиш ўринлики, қўлга киритилган ютуқдан билан бирга, айрим камчиликлар мавжудлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Соҳада турли касб эгаларининг фаолият юритиши, четдан олиб келинаётган айрим газбаллонларнинг сифати пастлиги, уларни синаш ва сертифицициялаш лабораторияларининг камлиги оқибатида нохуш ҳолатлар ҳам рўй берган. Бундан ташқари, газ тўлдирувчи шохобчаларнинг иш тартибини он-лайн режимида назорат қилиш йўлга қўйилиши бугун замоннинг ўзи тақозо қилаётган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 ноябрдаги қарори биноан тасдиқланган Сиқилган табиий газга, суолтирилган нефть газига ёки дизель ва газсимон ёқилги аралашмасида ишлайдиган транспорт воситаларининг хавфсизлиги тўғрисида Умумий техник регламент соҳадаги каби масалаларнинг ечимини топгани, хизмат кўрсатиш сифатини тубдан оширгани билан гоят аҳамиятлидир.

Регламентда фақат Ўзбекистон иқлим шaroити талабларига тўла жавоб берадиган металл газбаллонлари ишлатилиши кўзда тутилган. Метан газига ишлайдиган баллонларни хар уч йилда кўриқдан ўтказиш, улардан кўпи билан 15 йил фойдаланиш ёки 15000 марта тўлдирish мумкинлиги, пропан газига мўлжалланган баллонларни эса хар икки йилда кўриқдан ўтказиш, улардан ҳам узоғи билан 15 йил фойдаланиш лозимлиги аниқ кўрсатилган. Шунингдек, метан газини шохобчада 200 атм. босим билан тўлдирish шarti қўйилган бўлса, суолтирилган газ қуйиш меъёри баллоннинг 80 фоизи этиб белгиланган.

Транспорт воситаларини газбаллон билан жиҳозлаб берувчилар зиммасига ҳам

Буларнинг барчаси автомобилларга экологик жиҳатдан безарар, хавфсиз, иқтисодий томондан фойдали ҳисобланган замонавий технологияни қўллаш жараёнини янада тақомиллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Зеро, соҳадаги янгиликлар замирида юртимиз табиий бойликларидан умумий фойдаланиш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, келиб чиқши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеа-ҳодисаларнинг олдини олишдек эзгу мақсад мужассамдир.

Хайрулло ТУРСУНОВ,
«O'zbekpropanservis» уюшмаси директори.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 142 564 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун ОН-хотини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлаёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Рекама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50

Тошпирилди — 22.40 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-6788